



**BUYRUQ**

20~~22~~ у. «16» 07

TOSHKENT

№ 664-Н

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сон  
Фармони ижросини таъминлаш тұғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-154-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-154-сон Фармони (кейинги ўринларда-Фармон) маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2022 йил 1 августдан бошлаб давлат бюджети, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бүйіча уларнинг асосий техник күрсаткичлари ва бошқа лойиҳа ҳужжатлари тұғрисидаги маълумотлар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2021 йил 20 декабрдаги 1241- Н –сонли буйруғи билан тасдиқланган Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига киритилсин.

Мазкур маълумотларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳар ярим йиллик ва йил якунлари бўйича тайёрлашга ва Жамият расмий веб-сайтига жойлаштирилиши учун Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармасига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлашга Инвестицияларни жалб қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси, Темир йўл участкаларини электрлаштириш ва ҳаракатланувчи таркибини янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш гурӯҳи, Алоҳида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш гурӯҳи ҳамда Капитал қурилиш дирекцияси раҳбарлари масъул этиб белгилансин.

3. Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармасига (Ибрагимов) ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни Жамият расмий веб-сайтининг бош саҳифасидаги “Очиқ маълумотлар” бўлимига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Фармон 1 иловасига мувофиқ тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш

00000962

бўйича Методика тасдиқланганлиги ва ушбу Методикага асосан очиқлик даражаси аниқланадиган индикаторлар миқдорига қараб “0” баллдан “100” баллгача баҳоланиб, очиқлик индекси “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифаларга ажратилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Жамият фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасига юклатилсин.

Фармон талаблари асосида Жамият фаолияти “яшил” тоифада баҳолангандаги Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси масъул ҳодимлари Коррупцияга қарши курашиш агентликнинг тавсиясига асосан бир йилда бир марта бир ойлик лавозим маошининг 50 фоизи миқдорида рағбатлантирилсин.

6. Ахборот таҳлилий медиа маркази (Балтабаев) ҳар йили:

1 марта қадар Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармасига (Ибрагимов) билан бирга жамият фаолиятига оид ҳисботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 марта қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар берилишини;

1 апрелга қадар ушбу ҳисботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказилишини таъминласин.

7. Жамият таркибий бўлинмалар раҳбарларига мазкур бўйруқ бўйича ўз ваколатларига кирадиган барча масалаларни ҳал этиш бўйича ташкилий ишларни амалга оширсин.

8. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ 2021 йил 20 декабрдаги 1241- Н – сонли бўйруғи билан тасдиқланган Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

9. Мазкур бўйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасига юклатилсин.

Бошқарув раиси В.Б.

  
Х. Хасилов